

ISSN : 3030-3974

MAKON VA ZAMON

Пространство и время
Space and time

1

2024

MAKON VA ZAMON

Ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,
ma'naviy-ma'rifiy jurnal

2024/1 (№1)

Biz mutafakkir zotlarning: "Davlatning vazifasi insonlarni baxtli-saodatli qilishdir. Bu maqsadga esa ilm va yaxshi axloq yordamida erishiladi", degan hikmatli so'zlarini o'zimiz uchun dastur deb bilamiz.

Ma'lumki, biz bir yil avval taraqqiyotimizning 5 ta asosiy yo'nalishini belgilab olgan edik. Unda ta'lim sohasini rivojlantirish birinchi galdagi ustuvor vazifa sifatida qayd etilgan.

Men doimo ta'lim, ta'lim, muallim, muallim, deb ta'kidlashim bejiz emas. Chunki ta'limni rivojlantirmasdan turib yuksak taraqqiyotga erisha olmaymiz. Har qanday muammoning yechimi ham, ertangi kunimizni hal qiluvchi omil ham, shubhasiz, ta'limdir.

Shavkat Mirziyoyev
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti

M u a s s i l a r: Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini
mexanizatsiyalar muhandislari instituti» milliy tadqiqot universiteti
va O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati

Tahrir hay'ati: *t.f.d., professor, akademik O.Salimov, f.f.d., professor*
M. Abdullaeva, s.f.d., professor A. Muminov, f.f.d., professor O'. Abilov, p.f.d., professor
R.Choriev, p.f.d., professor Z.Ismoilova, s.f.d. – A.Ravshanov.

ISSN 3030-3974

Bosh muharrir:
Q.N.Nazarov - *f.f.d., professor*

Nashrga tayorlovchilar:
M.Tursunova, Q.Kdirbayev

Tahririyat manzili: Qori Niyoziy ko'chasi, 39,
Toshkent shahri, 100000,
Bichimi 60x84 Ofset qog'ozi. "Times" garniturası.
Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 100 nusxa

*Ассалому алайкум
муҳтарам журналхонлар!*

Доно халқимизнинг “Заррада қуёш акс этади” деган пурҳикмат фикри бежиз айтилмаган. Бугун илк сони чоп этилаётган “Макон ва замон” журнали ҳам мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, янгиланишлар, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мўъжазгина натижаларидан биридир.

Маънавий-маърифий, илмий-фалсафий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий мавзулар ва масалаларни акс эттириши мўлжалланган мазкур журнал саҳифаларида тобора глобллашиб бораётган жаҳон ва янгиланаётган Ўзбекистон ҳаётига оид ҳамда илм-фаннинг турли соҳаларига доир мақолалар чоп этилади.

Таҳририят мамлакатимизнинг зукко зиёлилари, олимлар ва мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, изланувчи ва тадқиқотчилар билан бу борадаги ҳамкорликни ниҳоятда қадрлайди ва ушбу йўналишдаги фаолиятнинг натижадор бўлишига умид қилади.

Зеро, халқимиз саодати, Ватанимиз тараққиёти, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижалари учун барчамиз масъулмиз ва бу йўлда бор куч-ғайратимизни ишга солиш муқаддас бурчимиздир!

ЎЗБЕКИСТОНДА ШАҲАРЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА УРБАНИЗАЦИЯ МУАММОЛАРИ

Алишер Равшанов -
сиёсий фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Анотация: Ушбу мақолада, Ўзбекистон шаҳарларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган ҳамда шаҳарларни ижтимоий ривожлантириш бўйича стратегик режалаштириш тизимининг асосий хусусиятлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: Урбанизация, шаҳар, қишлоқ, шаҳар маданияти, уй-жой, миграция, ривожланиш, ақли шаҳар, йирик шаҳар, кичик шаҳар.

Анотация: В данной статье анализируется сущность реформ, реализуемых в области социально-экономического развития городов Узбекистана, и раскрываются основные особенности системы стратегического планирования социального развития городов.

Ключевые слова: Урбанизация, город, сельская местность, городская культура, жильё, миграция, развитие, умный город, большой город, маленький город.

Annotation: This article analyzes the essence of reforms being implemented in the field of socio-economic development of cities in Uzbekistan, and reveals the main features of the system of strategic planning for urban social development.

Keywords: Urbanization, city, countryside, urban culture, housing, migration, development, smart city, big city, small town.

XX асрни шиддат билан ривожланган урбанизация асри деб айтиш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг салмоғи 10 фоизга ошди. Бундай ўсиш суръатларига, асосан маъмурий ўзгаришлар, 2009 йилда мингга яқин қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар посёлкаларига айлантирилиши ҳисобига эришилган. Маълумотларга кўра, 1991 йил Ўзбекистонда шаҳарликлар умумий аҳолининг 40,3 фоизини ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу рақам 50,6 фоизга ўсди. “Урбанизация даражаси бўйича Ўзбекистоннинг жаҳонда тутган ўрни паст. БМТ халқаро рейтинг кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон ушбу йўналишда 233 мамлакат орасида 155-ўринни эгаллаган. Урбанизация жараёнларини фаоллаштириш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёевнинг парламентга мурожаатида урбанизация даражасини 2030 йилгача 60 фоизга етказиш вазифасини стратегик мақсад сифатида белгилаб берилган эди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда урбанизация жараёнларини республикаимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига таъсири, ер ислохоти, уй-жой сиёсати, ҳамда республикада 2030 йилгача урбанизация жараёнларини ривожланиши билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 10 январда қабул қилинган “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тизимдаги муаммоларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, урбанизация даражасини ҳар томонлама пухта ўйлаб, ақл билан тартибга солиш учун қабул қилинди. Чунки Ўзбекистон шаҳарлари тобора ўсиб, ҳудудларни эгаллаб бормоқда. Хусусий уйларда яшовчи аҳоли зичлигининг пастлиги экин майдонларининг ўзлаштирилиши ҳисобига таъминланиб, аҳоли фаровонлигига таҳдид солмоқда.

БМТнинг 2018 йилдаги маълумотларига кўра, Ўзбекистон шаҳарларида мамлакат аҳолисининг ярмидан бир оз кўпроғи истиқомат қилади. 1960 йиллардан 2008 йилгача Ўзбекистонда урбанизация жараёни Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистонга қараганда тезроқ кечди. Бироқ сўнгги йилларда шаҳарлар ва мамлакат аҳолисининг ўсиши давом этаётганига қарамай, шаҳар аҳолиси улушининг камайиши кузатилмоқда. Қишлоқ

аҳолиси шаҳарларга қараганда, кичик шаҳарлар аҳолиси эса йирик шаҳарларга қараганда тезроқ ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, мамлакатдаги кичик шаҳарларнинг деярли 80 фоизи 100 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган шаҳардан 50 км узоқликда жойлашган. Энг тез ривожланаётган жамоаларнинг аксарияти функционал жиҳатдан йирик шаҳарларнинг бир қисмидир. Шаҳар атрофи зичлиги ошиб, шаҳар даражасига етмоқда. Бир нечта кичик аҳоли пунктлари ва марказдаги катта шаҳар биргаликда улкан урбанизациялашган ҳудудни шакллантирмоқда. Расмий статистик маълумотларга кўра, ушбу юқори тузилма аҳолисининг фақат бир қисми шаҳарликлардир.

Аҳолининг шаҳар атрофларида тўпланиши фақат Ўзбекистонга хос эмас. Худди шундай манзара ривожланаётган мамлакатларда, масалан, Жанубий Америкада ҳам кузатилмоқда. Бу ҳодиса «яширин урбанизация» деб аталади. Унинг сўзларига кўра, шаҳарлар тобора ўсиб бормоқда ва сиқишмаяпти. 15 йил давомида Тошкент шаҳри аҳолиси 10,9 фоизга, зичлиги эса атиги 2,2 фоизга ўсди. Шу билан бирга, Ашхобод, Олмаота ва Душанбеда аҳоли зичлиги 26-36 фоизга ошган.

Аҳоли сони кўпайгани сари уй-жойга эҳтиёж ҳам ошаверади. Шу маънода оладиган бўлсак, бугун уй-жой сиёсати долзарб масалалардан бири. Республика уй-жой фонди 2030 йилгача прогноз кўрсаткичларини 745,64 миллион м² ва жон бошига ўртача уй-жой билан таъминлаганлик даражасини 19,1 м² етказиш мақсадида муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмалар билан таъминланган, ипотекани кредитлаш ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини жалб қилиш механизмларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан кам ва ўрта даромадли оилалар учун арзонлаштирилган турар жойларни қуришга йўналтирилган инвестицияларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус чора-тадбирларни назарда тутувчи Уй-жой қурилиш дастури ишлаб чиқилди.

Урбанизация иқтисодий ўсиш билан боғлиқ бўлган мамлакатларда (Бразилия, Туркия, Малайзия) аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарларнинг ялпи ички маҳсулоти даражаси умуммиллий кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори. Бу шаҳар иқтисодиётининг ўсиши урбанизациялашган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатишини англатади.

Ўзбекистонда қўшни давлатларга нисбатан кўпроқ ўрта ва йирик агломерациялар мавжуд. 1 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган агломерациялар орасида Тошкент, Андижон, Қўқон, Самарқанд, Қорасув-Хўжобод, Денов ва Наманган шаҳарлари бор. Бундай бир қатор йирик агломерациялар ривожланиш учун катта имконият сифатида баҳоланиши керак. Аммо бу ҳудудларнинг муваффақияти уларнинг аҳолиси учун яратилган шароитларга боғлиқ.

Тошкент иқтисодиёти Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига қараганда анча кучли. Қолаверса, пойтахт ва бошқа шаҳарлар иқтисодиёти ўртасидаги тафовут қўшни давлатларнинг пойтахти ва бошқа шаҳарларига қараганда чуқурроқдир. Бу Тошкентда имкониятлар кўпроқ эканидан далолат беради, шунинг учун шаҳар ички мигрантлар учун оҳанрабо бўлиши керак.

Миграция, бу – нафақат шаҳарларнинг иқтисодий ўсишини ошириш, балки қашшоқликдан қутулиш воситаси ҳамдир. Бироқ Ўзбекистон шаҳарларида камбағаллик даражаси пастроқ бўлишига қарамай, улар ҳали ҳам хизматлардан етарлича фойдаланиш имкониятини таъминламаяпти. Таълим ва соғлиқни сақлашдан тортиб то кўнгилочар хизматларгача – уларнинг мавжудлиги мигрантлар учун муҳим турткидир.

Урбанизацияни ривожлантириш концепциясининг асосий мақсади шаҳарлар ва шаҳар агломерация (от лот. *agglomeratio* - қўшиш, тўплаш) ларини комплекс ривожлантириш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашдир. Концепцияда ижтимоий, муҳандислик-коммуникациялари, йўл-транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш, шаҳар аҳолисини марказлашган сув ва газ билан таъминлашни 90%га етказиш, канализация тизимлари билан – 68,9% га етказиш, жон бошига ўртача уй-жой билан таъминланганликни ҳозирги йўл қўйилаётган санитар

меъёрлардаги 16 м²дан 20 м²га етказиш, аҳолини олий таълим билан қамровини 50% етказиш каби кўрсаткичлар билан тўлдирилган мутлақо янги уй-жой сиёсатини амалга ошириш кўзда тутилган [1].

Ўзбекистон Республикасида “ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги 48-сон қарори қабул қилинди. Бу бўйича Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда “Ақлли шаҳар” инновация технологияларини жорий этишнинг бошланғич босқичи давом этмоқда. “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш бўйича Тошкент шаҳрида “Хавфсиз шаҳар”, “Ақлли ҳисоблагичлар”, “Ақлли транспорт”, “Ақлли тиббиёт” йўналишлари бўйича дастлабки синов лойиҳаларини режалаштириш ва амалга ошириш йўлга қўйилмоқда. Нурафшон шаҳрида замонавий шаҳар инфратузилмасини жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар билан бирга «Tashkent City» ва «Delta City» лойиҳалари доирасида замонавий шаҳарсозлик инфратузилмасини жорий этиш бўйича комплекс ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, шаҳарлар инфратузилмасининг сезиларли даражада жисмонан ва маънан эскирганлиги “Ақлли шаҳар” технологияларини самарали жорий этишга тўсқинлик қилувчи асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Буларнинг ҳаммаси телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш чора-тадбирларини кўриш ҳамда шаҳарлар инфратузилмасини реконструкция қилиш учун йирик инвестиция манбаларини излашни талаб этади [2].

Шу билан бирга бу концепцияда “Ақлли таълим” - бу таълим онлайн-платформалар ва оммавий очик онлайн курслар тарзидаги технологик ечимлар тўпламини, виртуал реал ҳолат билан тўлдирилган илғор визуализация ва масофавий кириш технологиялари ва бошқаларни ўз ичига олган технологик ечимлар, виртуал реал ҳолат билан тўлдирилган илғор визуализация ва масофавий кириш технологиялари ва бошқаларни ўз ичига олган технологик ечимлар жорий этилишига қаратилади.

“Талабалар шаҳарчаси”ни шакллантириш мақсадида мавжуд олий таълим муассасаларини йирик шаҳарлар чеккасига кўчириш ва у ерда янги олий таълим муассасаларини барпо этиш бўйича чора-тадбирларни кўриш режалаштирилган.

Охириги йилларда шаҳарлар бўйича кўплаб қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Республика бўйсунувидаги шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлими тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлда 580-сон қарори қабул қилинди.

Яна шундай қарорлардан муҳими бу Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги ПҚ-4409-сонли Қароридир.

Ушбу қарорда шаҳар инфратузилмасини бошқариш самарадорлигини ошириш ва комплекс такомиллаштириш, ўрта шаҳарлар аҳолиси учун сервис хизматларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига замонавий техник, молиявий ва бошқарув воситаларини жорий этиш орқали уларнинг салоҳиятини кучайтириш [3] мақсад қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мутлақо янги уй-жой сиёсатини амалга ошириш асосида урбанизация жараёнларини фаоллаштириш, бунда муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмалар билан таъминланган, ипотекани кредитлаш ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини жалб қилиш

механизмларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, кам ва ўрта даромадли оилалар учун арзонлаштирилган турар жойларни қуришга йўналтирилган инвестицияларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус чора-тадбирларни назарда тутиш;

жисмоний ва юридик шахслар учун турар жой ва нотурар жой бино ва иншоотлар остидаги ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини амалга оширишни кафолатлаш, ер участкаларини фуқаролик муомаласига киритиш учун шарт-шароитлар яратиш;

миграция жараёнларини маъмурий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш йўли билан аҳолининг қишлоқ жойларидан шаҳарларга эркин ҳаракатланиш учун шарт-шароитлар яратиш;

йирик шаҳарлар аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш, иқтисодий ва саноат ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига ушбу шаҳарлар аҳолисини тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, шунингдек, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари асосида технопарклар ташкил қилиш ва уларнинг тизимини мустаҳкамлаш;

авваламбор саноат, хизмат ва сервис соҳаларида аҳолининг даромадларини ошириш ва барқарор иш жойларини яратиш омили сифатида агломерацияларнинг афзалликларидан фойдаланишни назарда тутган ҳолда ўрта шаҳарларни, шу жумладан, туман марказларини бошқаришда илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш;

йирик шаҳарларга туташ бўлган ва қулай транспорт алоқасига эга йўлдош-шаҳарлар тармоғини кенгайтириш, йирик шаҳарларнинг марказий қисмида саноат ва бошқа зоналар ҳудудларини қисқартирган ҳолда ижтимоий-ишбилармонлик зоналар ҳудудларини кенгайтириш [4] масалалари қарорга киритилган.

Давлат томонидан ушбу қарорларни қабул қилишдан асосий мақсад шаҳарлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этишдир. Чунки битта нарсага алоҳида тўхталиб кетиш жоиздир.

Урбанизациянинг энг кескин мувозанати, асосан:

- ишсизликнинг ўсиши;
- уйсиз қолиш;
- жиноят;
- умр кўриш давомийлигини қисқартириш;
- касалликнинг кўпайиши;
- миллий ва ирқий низолар;
- атроф муҳитнинг ифлосланиши: сув, ҳаво, тупроқ;
- фаол иқтисодий фаолият натижасида юзага келадиган офатларни келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш шаҳар бошқарув тизимини такомиллаштиришни талаб қилади. Бу ҳолда энг муҳим вазифа шаҳар ривожланишини тартибга солиш орқали эришиладиган шаҳарларда салбий жараёнларнинг кучайишини олдини олишдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси. <https://xdp.uz/nuqtai-nazar/117>
2. Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепцияси. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2019 й., 09/19/48/2509-сон; 04.06.2020 й., 09/20/348/0716-сон)
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2019 й., 07/19/4409/3497-сон
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5623-сонли Фармони.

MUNDARIJA:

Тафаккур хазиначидан		3
"Авесто" фалсафаси		3
М.Абдуллаева	Янги ўзбекистон – янги қадриятлар макони	6
Ў.Абилов	Янги ўзбекистонда оптимизм, идеаллар ва маданият уйғунлиги	9
А.Муминов	Янги ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашнинг устувор йўналишлари	12
И.Саифназаров	Талаба ёшларнинг ватанпарварлик фазилатини ривожлантиришда ижтимоий фанлар бўйича инновatsion лойиҳаларнинг роли	15
S.A.Choriyev G.K.Ismoilova	Yangi ma'naviy makon shaxs ma'naviy qiyofasini yuksaltiruvchi muhit	18
Ш.Ўлжаева, А. Даминов	Темурийлар салтанатида суюрғол ҳукуқи	23
Қ.Шадманов	Ingliz "metafizik maktab"ning asoschisi jon donning falsafasiy she'ryati haqida	26
А. Болтаев	Ибн арабий талқинида вақт масаласи	29
С.Ағзамходжаева	Ижтимоий-сиёсий идеал: ўзига хос белгилари ва ижтимоий онгда намоён бўлиши	33
G.X.Bekmurodova	Ijtimoiy sohadagi destruksiya -barqarorlikka tahdid manbai	36
T.Qurbonov	Mentalitetga xos bo'lgan asosiy xususiyatlar	40
R.Rustamov	Zamonaviy targ'ibot sistemalari evolyutsiyasi	44
Г.Нишонбоева	Замонавий “маданиятшунослик” фанининг долзарб масалалари	47
Д.Бозаров	Синергетик парадигма ва унинг илмий-фалсафий муаммолари	50
А.Равшанов	Ўзбекистонда шаҳарларнинг ўсиши ва урбанизация муаммолари	53
Б. Мамадаминова	Полвонниёз юсуповнинг хотиралари – ххср тарихини ўрганишнинг муҳим манбаси	57
М.Хакимова	Yangi O'zbekiston – yoshlar faoligidagi yangicha dunyoqarash	60
Х.Ботирова	Аграр соҳа ходимларининг маиший турмуши ва ижтимоий ҳимоялаш масалалари	64
Н. Алимухамедова	Янги Ўзбекистонда миллий миллий ўзликни англаш масалалари	67
Z. Boymurodov	Yoshlar turmush tazrida tadbirkorlik faoliyatning o'rnini va ahamiyati	70

Д. Ахмедова	Некоторые вопросы государственной политики по защите прав женщин в новом Узбекистане	73
A.To‘rayeva	Oilaviy muhitga ta’sir qiluvchi omillar	76
Н.Рахмонбердиева	Оила – жамият тараққиётининг маънавий-ахлоқий пойдевори	80
L.J.Soxibova	O‘zbekistonda shaxs madaniy saviyasining asosiy xususiyatlari	83
O‘.M.Akilova	Abu Nasr Farobiy ta’limotining yoshlar ma’naviyatini yuksaltirishdagi o‘rni	87
G. Ravshanova	O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida fuqarolik jamiyati institutlari maqomi	91
Q.M.Kdirbayev	Ijtimoiy-iqtisodiy omillarning yangi qadriyatlar tizimi shakllanishiga ta’siri	94
L.Sh.Anvarova	Mehnat samarasining iqtisodiy rivojlanishni optimallashtirishdagi imkoniyatlari	97

MAKON VA ZAMON

Ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,
ma'naviy-ma'rifiy jurnal

2024/1 (№1)

Berilgan ISSN tartib raqami **3030-3974**

Bosh muharrir:

Q.N.Nazarov - *f.f.d., professor*

Nashrga tayorlovchilar:

M.Tursunova, Q.Kdirbayev

Tahririyat manzili:

Qori Niyoziy ko'chasi, 39,
Toshkent shahri, 100000, O'zbekiston
tiame.uz

Bichimi 60x84 Ofset qog'ozi. "Times" garniturası.
Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 100 nusxa